

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган
Миллатлар Ташкилоти Бош
Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи



2023 йил **19** сентябрь.
Нью Йорк.

АСОСИЙ МАҚСАД –
ҳамжиҳатлик ва амалий
ҳамкорлик руҳини сақлаш,
умумий манфаатларни
мавжуд зиддиятлардан
юқори қўйган ҳолда
мамлакатларни
жипслаштириш зарур.



БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси
2023 йил 19 сентябрь. Нью Йорк.



БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИДА



Сессия раиси **Деннис Фрэнсис**. БМТ Бош котиби **Антониу Гутерриш**.
Иштирокчи давлатлар раҳбарлари: **АҚШ Президенти Жозеф Байден**,
Бразилия Президенти Луис Инасиу Да Силва, **Туркия Президенти Режеп**
Тайип Эрдоған, **Жанубий Африка Республикаси Президенти Сирил**
Рамафоса, **Қатар Амири шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний** ва бошқалар.




ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ – АҚШ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИДАГИ ЯНГИ ДАВРНИНГ АРХИТЕКТОРИ



Дунё ҳамжамияти иккиланиб турган маҳалда, бешта Марказий Осиё мамлакатлари ўзларининг муаммоларига вақтинчалик ечим топишга улгуришди.

Улар хатарларга ёлғиз тўқнаш келмаслик ва хорижий сармояни рағбатлантириш, энг аввало, қийинчиликлардан фойда олиш ва минтақавий изоляцияни имкониятларга айлантириш учун 70 миллион аҳолини бирлаштирган бозорни яратиб, ягона савдо блокини тузишга муваффақ бўлдилар.

Бу ҳаракатларнинг ташаббускори эса Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бўлди.



“БМТ ЎЗБЕКИСТОНГА КЎМАКЛАШИШГА ТАЙЁР”



БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси
2023 йил 19 сентябрь. Нью Йорк.



19 сентябрь кунини Нью-Йорк шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев** Ташкилот Бош котиби **Антониу Гутерриш** билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистоннинг **БМТ билан ҳамкорлигини** янада кенгайтириш истиқболлари, энг аввало, **барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий вазифа** ва мақсадларни рўёбга чиқариш масалалари кўриб чиқилди.

Антониу Гутерриш **Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқини** юксак баҳолади.

Бош котиб **БМТ “Янги “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга оширишга кўмаклашишга тайёр”**, деди.

ЎЗБЕКИСТОН – БМТ

Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги **ҳамкорлик** мисли кўрилмаган юксак даражага чиқди. Биргаликда қарийб **140 та** дастур ва лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.



Ўзбекистон ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг **6 та** резолюцияси қабул қилинди.

Оролбўйи минтақаси аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун махсус **Траст фонди** фаолият юритмоқда.



ГЛОБАЛ ТАШАББУСЛАР, ДАСТУРИЙ ФИКРЛАР

Асосий мақсадимиз – мамлакатларимиз ва халқларимизнинг бугунги кунини ва истиқболи учун **масъулиятни ҳар томонлама чуқур англаш, очиқ ва конструктив ҳамкорликка тайёр барча томонларни** глобал мулоқотга жалб қилишдан иборат.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШИДДАТИ

Биз ҳуқуқий, дунёвий, демократик ва ижтимоий давлат бўлмиш Янги Ўзбекистонни барпо этиш сиёсатини қатъий давом эттирмоқдамиз.

Мамлакатимиз “Инсон қадри ва манфаатлари учун” деган эзгу ғоя асосида демократия ва адолат тамойилларини мустаҳкамлашга қаратилган туб ислоҳотлар йўлидан дадил илгари бормоқда.



“ЎЗБЕКИСТОН – 2030”

“Ўзбекистон – 2030” тараққиёт стратегиясини қабул қилдик.

Бу стратегия Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “**Барқарор ривожланиш мақсадлари**” га уйғун.

Биз ўз зиммамизга олган барча мажбуриятларни тўла ва қатъий бажармоқдамиз.



БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТИ


- Сўнги олти йилда ялпи ички маҳсулот* ҳажми **бир ярим мартадан** ортиқ кўпайди.
- **Бош мақсадимиз – 2030 йилгача бу кўрсаткични яна 2 баробарга ошириш.**
- **Иқтисодиётни либераллаштириш йўлидаги яна бир устувор вазифамиз – Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиш.**



*ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ (ЯИМ) — мамлакат иқтисодий фаолиятининг муайян давр (ой, чорак, йил) давомидаги умумий натижаларини тавсифлайдиган кўрсаткич. Мамлакат ҳудудида жойлашган барча корхоналар (чет эл ва қўшма корхоналари ҳам шу ҳисобга киради) томонидан жами ишлаб чиқариш омиллари билан ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг бозор қийматларидаги ифодаси бўлиб, унинг миқдори миллий ҳисоблар тизими асосида ҳисоблаб чиқилади. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини макродаражада тавсифлаш ва таҳлил этишда фойдаланилади.

КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

- 2017 йилдан буён камбағаллик **икки баробарга** камайди;



- 2030 йилгача камбағаллик **7 %га** туширилади;



- Аҳолини ичимлик суви, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа ижтимоий хизматлар билан таъминлаш кўлами **бир неча бор** оширилади.



БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ТАШАББУСИ



- Биз БМТ Бош котиби томонидан илгари сурилган “Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий ҳимоя глобал акселератори” борасидаги ташаббусни қўллаб-қувватлаймиз.



- Бу борада тажриба алмашиш учун 2024 йили БМТ шафелигида “Ижтимоий ҳимоя: барқарор тараққиёт сари йўл” бутунжаҳон конференциясини юртимизда ўтказишни таклиф этаман.



MARKETING
MEETUP

BUSINESS
INCUBATOR

STARTUP
ACCELERATOR



ПАХТА ҚУЛЛИГИДАН ОЗОД ЎЗБЕКИСТОН

Бир аср халқимиз пахта теримига мажбур қилинди.

Ҳар йили **сентябрдан декабргача** ўқитувчи ва шифокор, тадбиркор, ишчи ва хизматчилар, энг ачинарлиси, **мактаб ўқувчилари** ва талабалар пахта теримига сафарбар қилинар эди. Бунинг натижасида ўзбек пахтасига **бойкотлар эълон қилинди**. Ўзбекистон **“қора рўйхат”** ларга киритилди.



Қатъий **иродамиз** туфайли буларнинг барчаси ўтмишга айланди.

Халқимиз **пахта қуллигидан** буткул озод бўлди.


ИНСОН КАПИТАЛИ

- Инсон капиталини ривожлантириш ва креатив ёш авлодни тарбиялаш – Ўзбекистон ўз олдига қўйган стратегик вазифалардан бири.
- Биз ҳамма учун очиқ ва сифатли таълимни камбағалликка барҳам бериш, халқ фаровонлигини ошириш ва барқарор иқтисодий ўсишнинг энг самарали омили, деб биламиз.
- Мамлакатимизда таълим тизими тубдан ўзгармоқда.
- Ўтган олти йилда мактабгача таълимдаги қамров **21 %дан 70 %га**, олий таълимда эса **9 %дан 38 %га** етди.
- 2030 йилгача ҳар бир бола боғчага қатнайди. Мактабни битираётган ҳар икки ўқувчининг бири талаба бўлишига имконият яратилади.



БИРЛАШТИРУВЧИ ТУЙҒУ

Бизнинг халқларимизни **минтақавий ўзига хосликни англаш туйғуси** бирлаштирмоқда. Бу туйғу тобора кучайиб бормоқда. Бизнинг нафақат тарихимиз, балки келажагимиз, **ҳаётий муҳим манфаатларимиз** ҳам умумий ва муштаракдир.



**МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИГИМИЗНИ
КЕНГАЙТИРИШДАН БОШҚА ЙЎЛИМИЗ ЙЎҚ ВА
БЎЛИШИ ҲАМ МУМКИН ЭМАС!**

ТАШАББУС

БМТ ҳузурида **Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ** ташкил этишни таклиф этаман.

Унинг доирасида **“Марказий Осиё ёшларининг кун тартиби – 2030”** дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.




ГЕНДЕР



Гендер тенгликка эришиш борасида ҳам тизимли ишларни олиб бормоқдамиз. Жумладан, ўтган йили **олийгоҳларга қабул қилинган талабаларнинг 49 %ини қизлар** ташкил этди.

Хотин-қизларнинг **давлат бошқарувидаги улуши** биринчи марта **35 %га етди.**

Аёллар ва вояга етмаганларни зўравонликдан ҳимоя қилиш мақсадида алоҳида **қонун қабул қилинди.**



ОБИ ҲАЁТ МУАММОСИ

Биз БМТ **Бош котибининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозими таъсис этилишини** қўллаб-қувватлаймиз.

Марказий Осиё сувни тежайдиган технологиялар платформасини яратиш жараёнида **“Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – сув ресурслари”** механизмини ишга солиб, **энг илғор технологияларни** жалб этиш ва **татбиқ қилиш тарафдоримиз.**



Кейинги **30 йилда** минтақамизда ҳаво ҳарорати бир ярим градусга кўтарилди. Бу – дунёдаги ўртача исишдан икки карра кўп. **Музликлар умумий майдонининг қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди.** Ушбу тенденция сақланиб қолса, **20 йилда** минтақамиздаги иккита йирик дарё – **Амударё ва Сирдарё оқими 15 %га** қисқариши мумкин.


Жон бошига сув таъминоти **25 %га**, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса **40 %га** камайиши кутилмоқда.

ИҚЛИМ

Биз минтақамизда **Яшил тараққиёт дастури** доирасида **тизимли ҳамкорликни** йўлга қўймоқдамиз.

Бундай шериклик манфаатларимизга бирдек мос келади. Чунки **иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ таҳдидларнинг** олдини олишга қаратилган.

Бу борада **“Марказий Осиё иқлим мулоқоти”**ни жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.



Биз БМТ Бош Ассамблеясининг **“Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: умумий фаровонлик йўлида ҳамжиҳатлик”** резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурамиз.

Унинг асосий мазмунини келгуси йил Самарқандда бўлиб ўтадиган **халқаро иқлим форуми**да муҳокама қилишни таклиф этамиз.


ЭКСТРЕМИЗМ БАЛОСИ

✓ Биз **экстремизм балоси тарқалишига, ёшларнинг радикаллашувига йўл қўймаслик** учун биргаликдаги ҳаракатларимизни кучайтиришимиз зарур.

✓ Экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича **Миллий стратегиямиз доирасида** бир масалага **алоҳида эътибор** қаратмоқдамиз. Бу – илгари **экстремизм ғоялари таъсирида бўлган шахсларни соғлом ҳаётга қайтариш** ва **жамиятга мослаштириш** масаласидир.

✓ **Беш марта “Меҳр” инсонпарварлик миссиясини ўтказдик.**
530 нафардан зиёд фуқаролар, аёллар ва болаларни **Яқин Шарқ** ва **Афғонистондаги қуроли** низолар ҳудудларидан юртимизга олиб келдик.

Уларнинг барчасига **тиббий, психологик, ижтимоий** ва бошқа **ёрдамлар кўрсатилди.**



ГЛОБАЛ ТАШАББУС



✓ Сўнги пайтларда айрим мамлакатларда кўзга ташланаётган **диний тоқатсизлик, исломофобия** ҳолатларига асло йўл қўйиб бўлмайди.

✓ Жаҳонда **динлараро бағрикенглик** ва **ҳамжиҳатлик** ғояларини кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафелигида **Динлараро мулоқот ва бағрикенглик халқаро марказини** ташкил этишни таклиф қиламиз.




ХАЛҚАРО ТАШАББУС



Ўзбекистон жаҳон илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган, **ИСЛОМНИ ИЛМ-МАЪРИФАТ ВА ТИНЧЛИК ДИНИ СИФАТИДА** намоён этган Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби улуғ аллома ва мутафаккирлар ватани.

Шундай буюк олимларнинг бой меросини ўрганиш, исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини чуқур очиб бериш мақсадида **2024 йил Ўзбекистонда “Ислom – тинчлик ва эзгулик дини”** мавзусида халқаро конференция ўтказиш ташаббусини илгари сурамиз.



ЭНГ ЭЗГУ ТАШАББУС

Афғон халқига **инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни сусайтирмаслик** лозим.



Афғонистоннинг музлатилган халқаро активларини бу юртдаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтириш учун мақбул механизмларни ишлаб чиқишга чақирамиз.



Мен бугун ушбу нуфузли минбардан туриб, дунё ҳамжамиятини **Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлида бирлашишга** чақираман.



БИЗГА ТИНЧ ВА БАРҚАРОР, МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ЖАРАЁНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТАДИГАН, ҚЎШНИЛАРИ ВА БОШҚА МАМЛАКАТЛАР БИЛАН ЎЗARO МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИК УЧУН ОЧИҚ АФҒОНИСТОН КЕРАК.

ХУЛЛАС

**МУСТАҲҚАМ ТИНЧЛИК ВА
ФАРОВОНЛИККА ФАҚАТ УМУМИЙ
ИНТИЛИШЛАР ВА БИРГАЛИКДАГИ
ҲАРАКАТЛАР БИЛАН ЭРИШИШ МУМКИН.**

**БИЗГА ЎЗАРО ИШОНЧ, БИРДАМЛИК ВА
ҲАМКОРЛИК РУҲИ ҲАР ҚАЧОНГИДАН
ҲАМ КЎПРОҚ ЗАРУР.**



**ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАҲМАТ!**